

Парламентда

Қонун тижорат сирини ҳимоя қилади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,
«XXI asr»

— Бугун мамлакатимизнинг қай бир ҳудудда бўлмагн юзлаб янги корхоналар иш бошлаётганига гувоҳ бўлаёلمиз, — деди Б.Якубов. — Уларнинг ҳар бири катта-кичиклиги, ихтисослашувидан қатъи назар мамлакатимиз иқтисодиётини, пиروвардида эса аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Эътиборлиси, улар фаолияти маълум бир тижорат сири, фақат шу корхона, ташкилот ёхуд хусусий тадбиркорликка оид ахборот билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам O`zLiDeP ушбу қонун тадбиркор юртдошларимиз манфаатини янада ишончли ҳимоялаш, тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни муҳофазалаш орқали соғлом рақобатни ривожлантиришга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.



O`zLiDeP ушбу қонун тадбиркор юртдошларимиз манфаатини янада ишончли ҳимоялаш, тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни муҳофазалаш орқали соғлом рақобатни ривожлантиришга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

филийлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бошқача айтганда, айнан «Тижорат сири тўғрисида»ги қонун билан тижорат сирига мос келувчи ахборотнинг моҳияти, тушулчаси ва турлари, уни тақдим этиш, ошкор қилиш ва рухсатсиз ошкор қилингани учун жавобгарликни белгилаш механизмлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Мулоқот қатнашчилари тижорат сирини меҳнат муносабатлари жараёнида ҳимоялаш, давлат органининг асослангирлан сўровига кўра тижорат сирини тақдим этиш ҳамда судда танишиб чиқишнинг чегараларига оид моддаларни борасида баҳс-мунозара юритдилар. Мунозаралар давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi O`zLiDeP фракциясининг мазкур қонун лойиҳаси юзасидан тегишли позицияси баён этилди. Шу ўринда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ри-

вожлантириш Концепцияси»да қайд этилганидек, ахборот соҳида эркинлик ва ҳуқуқларни, шу жумладан, ахборот олиш, ўз ғояларини тарқатиш эркинлиги ва бу боралаги ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаш Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этиш асосларининг тамал топи ҳисобланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Фракция аъзоларининг фикрига кўра, мазкур вазифанни ҳал этишнинг муҳим жиҳатларидан бири сифатида ахборот хавфсизлиги масалаларини қонунчилик асосида такомиллаштириш, хусусан, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўз мулкий ва шахсий номулкий манфаатларини тижорат ёки бошқа сирини ташкил этувчи ахборотдан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш орқали ҳимоя қилишга оид ҳуқуқларини рўёбга чиқариш назарда тутилди.

O`zLiDeP «Тижорат сири тўғрисида»ги қонун лойиҳасига ана шу жиҳатдан ёндашар экан, асосий эътиборни ахбо-

ротни тижорат сири тоифасига киритиш масалаларини яҳлит қонун асосида тартибга солиш, уни тизимлаштириш ва тақдим этишни таъминлашга қаратади. Бу, авваламбор, бозор рақобати шароитида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кўчайтиради. Қолаверса, қонун меъёрларининг амалга оширилиши партия электорати манфаатларига тўлиқ жавоб беради ҳамда ахборот технологиялари, ишлаб чиқариш янгиликлари, ноу-хау ва инновацияларни янада ривожлантириш йўлида рағбатлантирувчи омил бўлади. Бундай жараёнлар эса публичасиз иқтисодиётнинг ўсиши ва халқ фаровонлигига хизмат қилади.

Давра суҳбати якунида ушбу қонун лойиҳасининг тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоялашдаги ўрни билан боғлиқ заруриятига яна бир бор эътибор қаратилиб, тижорат сирининг ҳимоя муддатини аниқлаштириш, тижорат сирининг эгаси ҳуқуқларини янада кенгайтирилиш, тижорат сирини меҳнат муносабатлари жараёнида сақлаш, уни тақдим этишда маҳфилийлигини таъминлаш, бу боралаги қонун ҳужжатларининг бузилиши патижасида келтирилган зарарни тўла қоплаш, яъни иқтисодий жавобгарликка урғу бериш лозимлигига оид тақлифлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Икки юз ўн саккиз миллиардга етди

Жорий йилнинг биринчи чорагида «Ўзлугуржисавдоинвест» уюшмаси таркибидagi улгуржи базалар томонидан 2900 та фирма ва 1300 та шартнома асосида фойдаланишга юртайётган чакана савдо тармоқлари орқали аҳолига 218 млрд. сўмлик истеъмол товарлари етказиб берилди. Эътиборлиси, ана шу маҳсулотларнинг 23 фоизи (қарийб 50 млрд. сўмлик маҳсулот) олис, тоғли ва бориш қийин бўлган ҳудудларда сотилган.

Миллий матбуот марказида ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида уюшма томонидан юртимизда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган маҳаллий, озиқ-овқат, айниқса, мева-сабзавот маҳсулотларини улгуржи харид қилиш, сақлаш ва уларни аҳолига етказиб бериш учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қишлоқ жойларидаги чакана савдо тармоғини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарлари билан узлуқсиз таъминлайдиган 57 та улгуржи савдо базаси ва корхона ташкил этилган. — Уюшма тизимидаги корхоналар ихтиёрида 116 минг квадрат метр совутилмайдиган ва 60 минг тонналик совутиладиган омборхоналар бор. — дейди «Ўзлугуржисавдоинвест» уюшмаси раиси ўринбосари Равшан Ҳамидбеков. — Уларнинг аксарияти қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, яъни картошка, сабзи, пиёз, мева, полиз ҳамда гўшт маҳсулотларини, шунингдек, ун, ўсимлик ёғи, шакар, ёрмалар, консервалар каби озиқ-овқат маҳсулотлари сақлашга ихтисослашган. Матбуот анжуманида, шунингдек, жорий йилда уюшма тизимида 18 та нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, 18 та озиқ-овқат, ноозик-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва асаларичилик ҳўжаликларини ташкил этиш, шунингдек, аҳолига савдо, умумий овқатланиш ҳамда маиший хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш бўйича 76 та лойиҳани амалга ошириш мўлжалланаётгани маълум қилинди. Ушбу дастурни бажариш учун жами 24 миллиард сўм маблағ сарфланади. Энг асосийси, ана шу лойиҳалар туфайли уюшма тизимида 580 та янги иш ўрни ташкил этилади.

Дастурда сайлов кампаниясининг барча босқичларида шаффофлик, ошқоралик, очиқликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини ташкил қилиш ишларини қонунчиликка мувофиқ тарзда амалга ошириш назарда тутилган.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Концепция доирасида сайлов қонунчилигига сайлов ҳуқуқи эркинлиги принципининг тўлиқ амалга оширилишига, мамлакатимиз сайлов тизимининг янада демократлашувига, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди таъминоти ўтказиш борасида тенг шарт-шароитлар яратиш самардорлигини оширишга, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг очиқлиги ва шаффофлиги принципларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳар томонлама таъминлашнинг энг муҳим қафолатига айланди.

Концепция қоидаларини ривожлантирган ҳолда, 2014 йилининг апрель ойида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолиятини янада демократлаштириш, сиёсий партиялар фаолиятини ошириш, демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиш партиялараро рақобатни кўчайтиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқорида зикр этилган қонунга мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни давлат ҳокимиятининг бошқа қайсибир органлари аралашувисиз таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилди, унинг фаолият кўрсатиш механизми, фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик, адолатлиликдан иборат бўлган асосий принциплари белгиланди. Буларнинг барчаси сайловларнинг демократлигини, очиқлиги ва ошқоралигини, қонунийлигини ҳар томонлама таъминлашнинг энг муҳим қафолатига айланди.

Муҳокама давомида таъкидланганидек, дастурда сайлов кампаниясининг барча босқичларида шаффофлик, ошқоралик, очиқликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини ташкил қилиш ишларини қонунчиликка мувофиқ тарзда амалга ошириш назарда тутилган.

Дастур сайлов қонунчилиги қоидаларини сайловчиларга кенг тўшунтириш бўйича ахборот-таҳлил ишларини самарали ташкил этиш учун шарт-шароитларни таъминлаш, миллий сайлов тизимини янада демократлаштиришнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг му-

ҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида хабардорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича халқаро, республика ва минтакавий тадбирлар ўтказишни назарда тутди.

Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини, мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ана шу дастурларда ўз ифодасини топган позицияларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилди.

Мажлис иштирокчилари тадбирлар дастури сиёсий партияларнинг давлат органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши ва эркин рақобатлаштириш, фуқароларнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминлашни алоҳида таъкидладилар.

Мажлисла муҳокама натижалари бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎЗА)

Оқсарой майдони қайта тикланди

Шахрисабздаги машҳур обида — Оқсарой мажмуаси таркибидagi хиебон янги қиёфага кирди.

Таъмирланган майдоннинг очилиш маросимида Шахрисабз тумани ҳокими Фахриддин Норов, Франциянинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва муҳтор элчиси жаноб Жак-Анри Эльс, Дордон музофоти Бош кенгаши раиси ўринбосари Жанник Надалъ, шунингдек, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда ЎзФА Археология институти вакиллари иштирок этидилар. Маълумотларга кўра, тарихий майдонни тиклаш-таъмирлаш ишлари Франция Ташқи ишлар вазирлиги маблағлари ҳисобидан «SOCRA» корхонаси томонидан амалга оширилган. Икки йил давом этган реставрация жараёнида майдоннинг Темиурийлар даврида мавжуд бўлган қадама нақши (мозаикали) юзаси қайта тикланган. Ўз навбатида, 200 квадрат метр ҳудудни эгаллаган ушбу майдоннинг атрофи пишиқ гиштли ҳимоявий иншоот билан ўралганини таъкидлаш жоиз.

Ш.Хўжаев.



Чангютгичдан кумуш чиқди

«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари тилла ва заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига оид антиқа қоидабузарлиқни фош этидилар. Гап шундаки, Истанбул-Тошкент авиарейси орқали мамлакатимизга қайтиб келган марғилонлик Э.Мариповнинг юки текширилганида унга тегишли бўлган янги чангютгичга 1,4 кг. оғирликдаги, кумушдан тайёрланган заргарлик буюмлари яширилгани аниқланди. Худди шу йўналиш бўйича парвоз қилган фаргонлик О.Д.Сидиқжонова эса «бағри кенг» қўнтакларида қиймати 2,5 млн. сўмдан зиёд бўлган 159 гр. оғирлик тоғли ва кумуш тақинчоқлари божхона баённомасида қайд этмай, юртимизга олиб киришга уринган. Божхона ходимлари Бакудан Тошкентга учиб келган хоразмлик М.Қутлиеванинг қиймати 11,3 млн. сўмдан ортиқ бўлган заргарлик буюмларини аэропортдан яширинча олиб ўтиш режасини ҳам фош қилдилар. Зеро, тилла буюмларга меҳри бўлакча бўлган опанинг қўл юклари орасидан, шахсий кўрик давомида эса ички қиймларига яширилган 229 грамм тилла ва кумуш тақинчоқлар топилиди. Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида Давлат божхона қўмитаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 78 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати қарийб 1 млрд. 122 млн. сўмлик, оғирлиги эса 24,4 кгдан ортиқ бўлган тилла ва заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Бир ҳовуч дўр

«Ҳаёт ҳаракатини тақозо этади».

Арасту.

«Муваффақиятнинг отаси кўп бўлади. Омадсизлик эса — доимо етим».

Жон Кеннеди.

ЎЗБЕКИСТОНГА ИЛК ТАШРИФИМ АСНОСИДА ОЛГАН ОЛАМ-ОЛАМ ТААССУРОТЛАРИМНИ ТАЪРИФЛАШГА СЎЗ ОЖИЗЛИК ҚИЛАДИ. ТОШКЕНТДАГИ МУЗЕЙ ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯЛАРИ МЕНДА КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ. БУ ЗАМИНДА ЕТИШИБ ЧИҚҚАН БУЮК АЛЛОМАЛАРНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ БЕҚИЁСДИР.

Хотира боқий, қадр муқаддас

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аждоқлар хотирасини абадийлаштириш, ўтганлар руҳини шод этиш, кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш эзгу анъанага айлангани янги авлод тафаккурида тарихга ҳурмат, келажакка юксак ишонч туйғусини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

Наргиза КАҲҲОРОВА,
«XXI asr»

О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан пойтахтимизнинг Ҳамза туманида ташкил этилган давра суҳбатида ҳам фахрийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, юрдошларимизнинг узоқ умр кўришларини таъминлаш, хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини ошириш борасидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Аждоқлар руҳини ёд этиш, уларга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос маънавий хислатлардан биридир. Зеро ёш авлодни вояга етказишда ўзининг бой ҳаётий тажрибаси орқали ибрат бўлаётган кексаларимиз ҳурматини жойига қўйиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз саналади, — деди тадбирда О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлис Акрамова. Биз ўтганларнинг муқаддас руҳи олдида ҳамisha бош эгамиз, таъзим қиламиз. Мустақиллик шарофати билан инсон шаъни, қадр-қиммати янада удуғланипти. Бу каби тадбирлар ёшларни Ватанга садоқат, ота-боболаримиз анъаналарига ҳурмат руҳида қамол топтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

— Ўтганларни ёд этиш, жангтоҳларда халқимиз озодлиги йўлида курашган кекса авлод вакиллариининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Чунки улар бугунги тинч, дориломон кунлар учун жангтоҳларда жон олиб, жон берипди, азиз жонларини қурбон қилишди, дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Робохон Абдурасулова. Ҳозирги тинч замонларга эришиш учун қанчадан-қанча машаққатли йўлларни босиб ўтиш, қурбонлар берипга тўғри келди. Биз уларнинг хотираси олдида бош эгамиз ва таъзим қиламиз.

Маълумки, айна кунларда



Солиҳ ЗОИР олган сурат

жойларда «Соғлом бола йили»нинг «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур» бош тамойили ҳамда О'zLiDeP дастурий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган 7 та партиявий лойиҳа изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шунга мувофиқ ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Соғлом она – соғлом бола» тамойили асосида маънан ва жисмонан соғлом, Ватан тақдирини келажак учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган, келажак буюк давлатни барпо этишга қодир, юксак эътиқодли ёшларни тарбиялаш йўлида барча куч ва имкониятлар сафарбар этиляпти.

Йилгилида «Соғлом бола йили»да О'zLiDeP Ҳамза туман кенгашининг бу борадаги фаолиятини янада жонлантириш, тадбиркор ва ишбилармон хотин-қизлар орасидан лаёқатли кадрлар захирасини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу ўринда Хотира ва қалрлаш кунни арафасида О'zLiDeP фаоллари туманнинг «Маърифат», «Янги давр», «Дўстлик» маҳаллаларида бўлиб, қирғинбарот урушдан омон қайтган, айна кунда қарилик гапгини сура-

ётган отахонлар суҳбатидан баҳраманд бўлганларини ҳам таъкидлаш жонз.

— Биз, фахрийлар тинчлик ва осойишталикнинг қадрини ҳаммадан кўпроқ англаймиз, — дейди Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, «Янги давр» маҳалласида яшовчи Қодирхўжа ота Йўлдошев. — Бугун эл-юрт, неварачеваралар ардо-

ғида фаровон ҳаёт кечираяпмиз. Айниқса, Юртбошимиз томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган юксак эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Шу кунларга етказганига шукр.

Тадбир якунида уруш фахрийларига О'zLiDePнинг эсдалик совғалари топширилди.

2014 йил —
«СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»

«БИЗ ТАЯНЧИМИЗ ВА СУЯНЧИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ ВА ИФТИХОРИМИЗ БЎЛМИШ БОЛАЛАРИМИЗГА, ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА ИШОНЧ БИЛАН, ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР БИЛАН ҚАРАШНИ КЕЛАЖАГИМИЗГА БЎЛГАН ИШОНЧ, МИЛЛАТИМИЗГА, ХАЛҚИМИЗГА БЎЛГАН ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ ДЕБ БИЛАМИЗ».

Ислом КАРИМОВ.

сида 1323 та фермер хўжалигида етиштирилган 77,5 минг тонна маҳсулотни экспорт қилиш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Тадбирда фермер хўжаликларини молиялантириш, солиқ имтиёзлари, ер, сув ре-

сурсларидан оқилона фойдаланиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортта йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид масалалар юзасидан ҳам журналистларга ахборот берилди.

➤ СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА



Ўзбекистон – буюк алломалар Ватани

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Бу дийрда қамолга етган кўплаб алломаларнинг ижоди ва фаолиятдан яхши хабардорман. Хусусан, астрономия асосчиси Мирзо Улугбек, мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг илмий ва бадий мероси бутун инсониятнинг бебаҳо мулкидир.

Буюк олим Мирзо Улугбекнинг беназир кашфиётлари жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилган. Унинг тадқиқотлари кейинчалик кўплаб олимларнинг, жумладан, таниқли немис астрономи ва математиги Иоганн Кеплернинг илмий ютуқларига асос бўлиб хизмат қилган. Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари, унинг дунё адабий хазинасидан жой олган бебаҳо дурдона асарлари мазмун-моҳияти билан бугунги кун учун ҳам ғоят аҳамиятлидир. Турли халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик илм-фан тараққиётида, ҳар қандай жамиятнинг маънавий юксалишида катта аҳамият касб этади. Мазкур халқаро конференция ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Унда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган олимлар ўзбек халқининг бой илмий ва маънавий меросини янада чуқурроқ ўрганиш, очилмаган қирраларни кашф этиш ва уларни ҳаётнинг турли жиҳатларига таъбиқ этиш борасида фикр алмашиш имконига эга бўлади. Мен конференциядаги маърузамда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш ниятидаман.

Мухаммад Абдулҳамид ХАЛИФА, Искандария университети профессори (Миср):

— Ўзбекистонга биринчи марта келаятган бўлсам-да, бу юртининг тарихи, буюк алломалари ҳақида жуда кўп маълумотларни ўрганганман. Хусусан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Маҳмуд Замаҳшарий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний каби буюк алломалар, мутафаккир боболарнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётгани халқингиз учун ғоят фахрлидир.

Мен ўзбек халқи аждоқлари — Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда яшаб ижод қилган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида китоб ёзганман, уларнинг асарларига тавсиф берганман.

Шуни қайд этишни истардимки, Алишер Навоийнинг бебаҳо, дурдона асарлари араб дунёсида ҳам машҳур. Мен унинг газалларини катта қизиқиш билан ўқийман. Ислом оламида «муҳаддислар султони» дея шуҳрат қозongan Имом Бухорийнинг энг ишончли ҳадислар тўплами — «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» китоби динимизда Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба ҳисобланади. Неча асрлардан буён ушбу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва динят йўлига қорлаб келмоқда. Ўзбекистонга мазкур таширфим доирасида бир умрлик орузим — Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш бахти насиб этишидан қувончим чексиз. Президент Ислом Каримовнинг тарихий-меъморий обидалар, зиёратгоҳларни тиклаш ва таъмирлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш ва келгуси авлодга безавол етказиб беришга қаратаётган улкан эътибори ва бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар тахсинга лойиқдир.

Фаина ЛИНЬКОВА, Питтсбург университети профессори (АҚШ):

— Ўзбекистонга илк таширфим асносида олган олам-олам таассуротларимни таърифлашга сўз ожизлик қилади. Тошкентдаги музей ва тасвирий санъат галереялари менда катта таассурот қолдирди.

Бу заминда етишиб чиққан буюк алломаларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Мухаммад Мусо Хоразмий ўнлик санок системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этгани ва шу асосда аниқ фанлар ривожини учун ўз вақтида мустақам асос яратгани жаҳон цивилизацияси ривожига бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг арифметикага доир асари бугунги кунда биз фойдаланадиган ўнлик ҳисоблаш тизими ва шу тизимдаги амалларнинг Европада тарқалишига сабаб бўлди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолияти билан танишдим. Кутубхонада жуда қадимий нашрлар, ноёб қўлёзмалар ва ҳужжатлар, турли адабиёт ва асарлар сақланар экан. Энг қувонарлиси шундаки, барча фойдаланувчиларнинг электрон ресурслардан, кутубхонада ахборот манбаларидан эркин фойдаланиш имкони мавжуд. Кутубхонада кўплаб ёш китобхонларга кўзим тушди. Уларнинг ўқиб-изланаётганини кўриб, жуда таъсирландим. Бу ўзбек заминиде буюк бобоқалонларига муносиб ёш авлод тарбия топаётганидан далолатдир.

Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА (ЎЗА мухбирлари) ёзиб олди.

Иккинчи даражали масала йўқ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ўз мухбиримиз

— Ушбу соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида давлат бюджетидан қарийб 60 млрд. сўм, Ислом тараққиёт банки томонидан эса 37,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

А.Алимов шунингдек, инсон саломатлиги, айниқса, ёш авлод ва аёллар соғлиғи, уларни даволаш мамлакатимизда биринчи даражали масалаларга кўтарилиганини халқаро экспертлар ҳам эътироф этаётганига эъти-

бор қаратди.

Анжуманда таъкидланганидек, амалда оширилган ислохотлар натижасида Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги диспансерлар янги биноларга кўчирилди. Беморлар бўйича ягона электрон ахборот базаси яратилиб, амалиётга жорий этилди. Ушбу тизим онкологик хасталикларга чалинган беморларни ҳисобга олиш, уларга ташхис қўйиш, даволаш ва соғлиқларини доимо кузатишда узвийликни таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

— Бугунги кунда онкология илмий марказида маҳаллий хом ашёлардан тайёрланадиган, ўсмага қарши

жуда самарали бўлган препаратлар яратилиб, уларни ялпи ишлаб чиқаришга доир тайёрларликлар деярли якунланди, — деди марказ директори Сиримбек Наврўзов. — Бу воситаларнинг самарадорлиги нафақат республикамиз, балки чет эллардаги илғор клиникалар мутасаддилари томонидан ҳам исботланди.

Тадбирда замонавий билим ва тажрибага эга бўлган тиббий ходимларини тайёрлаш, халқаро ҳамкорлик масалалари, тиббий-профилактик кўриклар, диагностика ва даволаш ишларида узвийликни таъминлашга қаратилаётган эътибор ҳамда келгусидаги вазифалар хусусида ҳам журналистларга кенг маълумот берилди.

Навбат вилоят босқичига

Наманган ва Сирдарё вилоятларида «Диплом билан — бизнесга-2014» партиявий лойиҳасининг туман ва шаҳар босқичларида жами 700 нафардан ортиқ йигит-қиз ғолиблик учун беллашди

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI asr»

O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудир Дониёр Нурмухамматовнинг маълум қилишича, лойиҳанинг қуйи босқичларида 200 нафардан зиёд сирдарёлик талаба қатнашган бўлса, 120 нафар битирувчининг тайёргарлик бизнес-режаси лойиҳанинг вилоят босқичига тасвир этилди.

Шу ўринда ушбу лойиҳа, энг аввало, янги авлод вакиллариининг мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти билан атрофлича таништиришга хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари партиявий лойиҳалар ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, жойларда кечадиган қизғин жараёнларда улар иштирокини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, ҳар бир йигит-қизда бутунги янгиликни ва ўзгаришларга дахлдорлик туйғусини шакллантиришга қаратилганини айтиб ўтиш керак.

Тахлилчилар, айниқса, Гулистон ва Янгисер шаҳарлари, Сайхунбод ва Сирдарё туманларида ёшлар фаоллиги яққол сезилганини таъкидламоқдалар.

— Анчадан буён тайёрлаётган бизнес-режанинг рўёбга чиқишига O'zLiDeP лойиҳаси сабаб бўлди, — дейди Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-хунар коллежи талабаси Баҳодир Хасанов. — Маълумки, чорвачилик билан ота-боболаримиз қадимдан шуғулланиб келишган. Хозир ҳам ҳар бир хонадонда ҳеч бўлмаганда 2 та қўй ва ситир боқилади. Мен ҳам туманда чорвачиликни янада ривожлантиришга ўз хиссамни қўймоқчиман. Бунинг учун имконият ҳам, шарт-шароит ҳам старли.

Гулистон саноат коллежи битирувчиси Мағрубек Мусасев эса овоз эсини, видео ва фото-монтаж



студияси очилиши ният қилган бўлса, ГДУ талабалари — Рамз Ибрагимов ва Авазбек Бегалиев маҳаллий шароитда паррандачилик маҳсулотларига мўлжалланган флейка ишлаб чиқариш ғоясини ўз бизнес-режаларида акс эттирилди.

Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси Рўзбой Ҳабибуллаев тақдим этган бизнес-режада эса қурилишбоп материаллар тайёрлаш тармоғини ривожлантириш мақсадида ДВП ва ДСП ишлаб чиқаришнинг янги усуллари тақлиф этилган.

Лойиҳанинг Наманганда ўтказилган қуйи босқичлари ҳам вилоятда ёш тадбиркорлар сони ортиб бораётганини кўрсатди. Айни пайтда ялпи ҳудудий маҳсулотда хусусий секторнинг улуши 75 фоиздан ортиқни ташкил этаётгани эса тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун жойларда қулай бизнес муҳити яратилганидир.

— O'zLiDePнинг ёшларга мўлжалланган тадбирлари, жумладан, ҳар йили олий ўқув юртлиари

ва касб-хунар коллежлари талабалари ўртасида ўтказилаётган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ҳам улар учун ўзига хос кўприк ва маҳсулотларига мўлжалланган флейка ишлаб чиқариш ғоясини ўз бизнес-режаларида акс эттирилди.

Буй йил эса ушбу лойиҳага 500 нафар ёш жалб этилди. Танловнинг биринчи Наманган шаҳар босқичида 80 нафардан ортиқ йигит-қиз иштирок этди. Ҳар бир талабанинг бизнес-режаси атрофлича муҳокама қилиниб, солиқ инспекцияси, тижорат банклари, сугурта идоралари мутахассислари томонидан уларга тегишли маслаҳатлар берилди.

— Мен Наманган ижтимоий-иқтисодий педагогика коллежида ўқийман, — дейди Нозима Эркинова. — «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида тикувчилик йўналишидаги ғоям маъқуланиб, ви-

лоят босқичига тасвир этилганимдан хурсандман, албатта. Кейинги босқичда ҳам фаол иштирок этиб, тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берадиган сертификатни қўлга киритмоқчиман.

Бир сўз билан айтганда, «Соғлом бола йили»да кўпчилик ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳа замонавий фикрлай оладиган ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашга қодир ёшларнинг ижтимоий-сиёсий

Президентимизнинг «Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда қўрадиган эркин шахсини шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб даркор» деган чақириқларини ишор қилиб олганлари бежиз эмас.

ХАБАРЛАР

Сайлмисан, сайл бўлди

Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида Президентимизнинг «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ёшлар сайли ташкил этилди.

Шаҳар маданият ва истироҳат боғида ўтказилган фестивалга элимизнинг сеvimли актёри Сомб Ҳўжаев таваллудининг 104 йиллигига бағишланган хотира кечаси ҳам уларниб кетди. Ташкилотчилар ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг иқтидор ва изланишларини қўллаб-қувватлаш, анъаналар ва миллий кадриятларга бўлган ҳурмат ҳиссини шакллантиришда бундай тадбирларнинг аҳамияти алоҳида эканини таъкидладилар. — Шундай озод ва обод Ватанда яшайётганлигимдан фخرланаман, — дейди сайл иштирокчиси Самандар Нуралиев. — Биз, ёшларга қаратилган ушбу ва ғамхўрликлар учун Президентимизга раҳматлар айтаман.

Фестивалга ҳамоҳанг равишида ўтказилган палов сайли хонободлик ёшлар қатори шаҳардаги 14 та маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг ҳам ёдида қоладиган бўлди. Ўз муҳбиримиз.

Шовотга қайиқлар тушириляпти

Хоразмда бошқа соҳалар қатори туризм ҳам изчил ривожлантириляпти. Хусусан, яқинда воҳа ҳудудидан оқиб ўтувчи Шовот каналда сайр қайиқлари хизмати йўлга қўйилиши таъкидланмоқда. Маълумотларга кўра, ушбу лойиҳа асосида баҳордан то кузгача каналда турли ўлчамдаги 12 та қайиқ маҳаллий аҳоли ва меҳмонлар хизматида бўлади. 35 нафар йўловчига мўлжалланган энг катта қайиқнинг узунлиги 19 метри ташкил этади. Каналнинг кенлиги — 60 метр. Бу эса қайиқлар сув ҳавзаси бўйлаб ҳеч қандай қийинчиликсиз ҳаракатланади, дегандир. Ш.ҲУЖАЕВ.

Сессияга киритилган масалалар моҳияти

Халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан шаҳар кенгаши сессиясига учта масала киритилди

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

— Аҳоли фаровонлигини таъминлашда бандлик масаласи муҳим аҳамият касб этади, — дейди халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Баҳром Сагаторов. — Сессияга киритилган асосий масала айнан шаҳарда иш билан банд бўлмаган фуқароларни тадбиркорликка жалб этиш, бу борада маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида танкил этилган «Аҳолида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш марказлари» иштини ўрганишга бағишланди. Зеро, бугун шаҳардаги 62 та маҳалла фуқаролар йиғини қошида ана шундай марказлар бор. Аммо уларнинг барчаси талаб даражасида фаолият олиб бораётти, деб бўлмайдилар. Бу эса ана шу марказлар иштини қайта кўриб чиқиб, улар иштини жойлантиришни тақозо этади.

Жорий йилда шаҳардаги 15 та касб-хунар коллежсини 7148 нафар йигит-қиз битиради. Маълумотларга қараганда, шаҳар бандликка қўмақлашувчи маркази томонидан 2014 йилда 8716 га иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Депутатлик гуруҳи томонидан киритилган навбатдаги масала айнан касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш учун уларни тадбиркорликка йўналтириш, давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун бериладиган имтиёзлар билан таништиришда нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотлари томонидан танкил этиладиган тадбир ва лойиҳалар билан қамраб олиш борасидаги ишларга қаратилди.

Сўзга чиққан депутатлар жорий йилда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни қучайтириш зарурлигига

эътибор қаратдилар.

— Ўтган йилнинг май ойида ҳам шаҳар кенгаши сессиясига депутатлик гуруҳимиз томонидан бир қатор масалалар киритилган эди, — дейди Баҳром Сагаторов. — Ўтган даврда доимий комиссия йиғилишларида ўнга масала муҳокама этилган бўлса,

ги сунъий тўсиқларни бартараф этишга қўмақлашиш, назорат органлари томонидан хўжалик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларга йўл қўйилмаслигини таъминлашда депутатларнинг фаоллигини янада ошириш борасида фикрлар билдирилди.

Ушбу масала депутатлар томонидан назорат-таҳлил тартибида ўрганилганда қўлга киритилган натижаларга қарамай, айрим ҳолларда ёшлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишлари, шунингдек, йигит-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш масаласида бир қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

асосий эътибор тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунларни такомиллаштириш ҳамда соҳани янада ривожлантиришга тўсиқ бўладиган муаммоларни бартараф этиш масалаларига қаратилди.

— Сессияда шаҳар кенгаши депутатлари ёшларни иш билан таъминлаш бўйича ҳудудий ва давлат дастурлари ижроси юзасидан назорат ишларини янада қучайтириш зарурлигини таъкидладилар, — дейди O'zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Холмирза Болтаев. — Давлатимиз раҳбарининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорларидан келиб чиқиб, тадбиркорларга бино ва иншоотлар қуриш учун руҳсатнома олиш, коммунал хўжалик ва муҳандислик тармоқларига уларнинг соҳасида-

Депутатлар, шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижроси доирасида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, эрта никоҳдан ўтишни олдини олишда тиббиёт муассасаларининг бу борадаги ишлари таҳлилга эътибор қаратилди. Сессияда таъкидланганидек, қун тартибига киритилган ушбу масала депутатлар томонидан назорат таҳлил тартибида ўрганилганда қўлга киритилган натижаларга қарамай, айрим ҳолларда ёшлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишлари, шунингдек, йигит-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш масаласида бир қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Шу боис сессияда тегишли масалаларга бу борада аниқ вазифалар берилди.

Сессияда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, уларнинг назорати O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоларига юклатилди.



ҚАШҚАДАРЁ. Дехқонобод туманида «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» партиявий лойиҳасининг туман босқичи ўтказилди.

Туман тиббиёт касб-хунар коллежида ўтган тадбир «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда O'zLiDeP аъзолари олдига турган вазифалар муҳокамаси билан бошланди. Хусусан, унда баркамол авлодни тарбиялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш масалалари «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасининг мақсад ва вазифаларига ҳамоҳанг экани қайд этилди. — Бугунги тадбирлар «Соғлом бола йили» Давлат дастури ва партияимизнинг Сайловолди дастури ижросини таъминлашда биз учун қўшимча имкониятларни топишга хизмат қилади, — деди O'zLiDeP Дехқонобод туман кенгаши аппарати раҳбари С.Набиев. — Лойиҳаларимиз орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, шунингдек, захирасини етук, билимли ёшлар билан тўлдирини мақсад қилганимиз.

СИРДАРЁ. O'zLiDeP Гулистон шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи таъминлашнинг қарор топтириш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Учасувида ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш орқали жойларда бандлик даражасини ошириш масалалари муҳокама этилди. — Иқтисодий-иқтисодий жадал ўсиб бораётгани, бунёдкорлик ишларининг қўлами аҳоли

бандлигини таъминлаш имкониятларини ҳам кенгайтирмоқда, — деди тадбирда Гулистон давлат университетининг иқтисодий факультети декани ўринбосари З.Қудратов. — Муҳими, ўз билими ва ташаббускорлигига таянаётган ёшлар бу имкониятлардан унумли фойдаланяптилар. Тадбирда ушбу йўналишдаги ишларда ёшлар, фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокини янада ошириш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

ЖИЗЗАХ. Халқ депутатлари Галлаорол туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддалари (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддалар)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди. Давлатимиз раҳбарининг бир қатор фармон ва қарорлари, Олий Мажлисда кенг муҳокама этилиб, қабул қилинаётган қонунлар асосида яратилган имконият ва имтиёзлар тўғрисида ЖИЗЗАХ вилоятида ҳам тадбиркор ва ишбилармонлар учун қулай бизнес муҳити яратилгани натижасида эса экспортёр тадбиркорлар сони кўпаймоқда. Жаҳон бозорига чиқаётган юртоқларимиз эса янги ғояларни ўз тумани, қишлоғида амалиётга татбиқ этипти. Депутатлик гуруҳи йиғилишида ЖИЗЗАХда ташкил этилган махсус индустриал ҳудуди бу борада қўшимча имкониятлар бераётгани ҳам қайд этилди. Тадбирда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши сектор мудир А.Хусейнов демократик ислохотларнинг бугунги босқичида депутатлик назорати шаклларида фойдаланиш, депутатлик гуруҳи иш режаларини мувофиқлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида йиғилиш қатнашчиларига атрофлича маълумот берди. Тадбирда, шунингдек, туманда тадбиркорлик, касачилик ва оилавий тадбиркорлик соҳасида банд бўлмаган фуқаролар, хусусан, аёлларни иш билан таъминлашда хусусий сектор имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

МЕН — O'ZLiDeP АЪЗОСИМАН



Солиқ ЗОИР олган сурат

Миллий ҳунармандчилигимизга оид анъаналарни жуда эъзозлайман. Шу боис бир неча йиллардан буён замонавий материаллардан миллий тақинчоқлар ясаш билан шуғулланаяпман. Турли тадбирларда, хусусан, O'zLiDeP ташаббуси билан ўтказилаётган кўرғазмаларда мунтазам қатнашяпман. Яқинда партиянинг «Ишбилармон талаба» лойиҳаси Тошкент шаҳар босқичида биринчи ўринни эгаллаб, республика миқёсидаги кўрик-таъловога йўланма олгандим. Юқори босқичда ҳам муваффақият қозондим ва «Ишбилармон талаба» махсус стипендиясига лойиқ, деб топилдим. Буларнинг барчаси бир гайратимга ўн гайрат қўшиб, мени янги марралар сари ундаяпти.

O'zLiDeP мен каби кўплаб ёшларни шу тариқа моддий ва маънавий жиҳатдан изчил қўллаб-қувватламоқда. Бу эса партиянинг сўзи ва иши бир эканидан, яъни моддий ҳамда интеллектуал мулк эгалари манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш борасидаги дастурий вазифаларини ҳаётга изчил татбиқ этаётганидан далолатдир.

Бу йил 18 ёшга тўлдим ва анчадан буён ўйлаб юрган ниятим амалга ошди — O'zLiDeP сафига қабул қилиндим. Партия ғоя ва мақсадларининг тўла-тўқис рўёбга чиқишига қамтарона бўлса-да, ҳисса қўша олишимга ишончим қомил.

Раъно ОХУНЖОНОВА.
Яққасарой Енгил саноат касб-хунар коллежи 2-курс талабаси.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Юртим менга нима берди, деб савол берма, мен юртим учун нима қилишим мумкин, деб сўра.



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

19 (547)-сон, 2014 йил 15 май, пайшанба

Қийин дегани — иложи йўқ, дегани эмас

Тошкент шаҳар Синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонасида иш олиб бораётган бошланғич ташкилот аъзолари ҳам бугунги ўзгаришлар, янгиланиш жараёнида фаол иштирок этмоқдалар

Бехзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

— Партия аъзоси тиниб-тинчимас, ташаббускор бўлса-гина, ўзига билдирилган ишоп-ччи оқлай олади, — дейди БПТ ставкиси Абдуқодир Тошпўлатов. — Партиямиз ўз олдига эзгу максаларни қўйгани учун ҳам О'zLiDeP илгари суратган ғоя ва максаллар аксарият юртдошларимиз, айниқса, тadbиркорлар томонидан қўллаб-қувватланипти.

Парламент йиғилишлари, фракциялараро мунозараларда иқтисодийтизмиз локомотивига айланган ишбилармонлар манфаати йўлида астойдил кайгураётган депутатларимизнинг чиқишлариши кузатиб, партия ташаббусларининг ижобий самараларини бирма-бир мунохада қиламан. Бундан уч йил аввал қуйи бўғин тузандик. Бугунга келиб 26 нафар аъзоини бирлаштирган ташкилотимиз ҳам ана шундай кайнок жараёнларда фаол иштирок этишга интиляпти.

— Пойтахтимизда мингга яқин бошланғич ташкилот бор, — дейди О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходими Улуғбек Ишанходжаев. — Абдуқодир Тошпўлатов етакчиликл қилаётган БПТ улар ичинда энг фаолларидан. Ушбу қуйи бўғиннинг тумандаги тadbиркорлик мухитини янада яхшилаш борасидаги аниқ таклифлари халқ депутатлари шаҳар кенгаши сессиясида ҳам мухокама қилинган. Бу эса қуйи бўғин аъзоларининг ҳақиқатан ҳам ташаббускорликларидан далолатдир. Яқинда А.Тошпўлатовнинг таклифи билан Олмазор туман партия кенгаши қошида тadbиркорлар учун бепул хуқуқий маслаҳатхона ҳам очилди.

— О'zLiDeP сафларида эл-юртга пафи тегадиган, фидойинисонлар янада кўпайса, кандай яхши, — дейди яқка тартибдаги тadbиркор Т.Ашмиев. — Маслаҳатхона бор-йўғи бир соат бўлиб, бугунги кундаги ўзгаришлар, партиянинг максад ва вазифалари ҳақидаги тасаввурим бутунлай ўзгарди.

— Тумандаги бир қанча йил-рик корхоналар ҳамда 4 та коллеж, 3 та академик лицейда ташкил этган мулоқотларимизда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Т.Назаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати О.Аширов, партия шаҳар кенгаши СТМ маркази раҳбари Д.Бобонова фаол иштирок этиб, қўллаб қатнашчилар, айниқса, ёшларнинг саволларига жавоб бердишлар, — дейди А.Тошпўлатов. — Бундай тadbирларда ўзига хос таклифлар ҳам билдирилипти. Мисол учун, бир тadbиримизда Тошкент банк коллежи талабаси З.Аскархўжаев халқимизнинг «устоз-шогирд» анъанасини давом эттириб, коллеж ўқувчиларининг амалиёт ўташлари учун хусусий корхоналарга бириктириб қўйиш тажрибасини янада омалаштириш таклифини билдирди.

Ха, чиндан ҳам мазкур қуйи бўғин аъзолари Олмазор туманида ўз фаоллиги билан ном чиқарган, десак муболага бўлмайди. БПТ етакчисининг савий-ҳаракати туфайли бош-



«БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАИСИ ТЕЗ ЎЗГАРИБ БОРАЁТГАН СИЁСИЙ ШАРОИТНИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛА ОЛИШИ, ХОЛИСОНА БАҲОЛАЙ БИЛИШИ ВА ЖОЙЛАРДАГИ АЙРИМ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН БУТУН МАСЪУЛИЯТНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛИШГА ТАЙЁР ТУРИШИ КЕРАК».

О'zLiDeP Уставида.

нғич ташкилот аъзолари ССП туман бўлими билан тadbиркорлар учун ҳафтанинг хар жумасида «Очик эшпиклар» куни уюштираётир.

О'zLiDeP таянч нуқтаси аъзолари жойлардаги айрим муаммолни масалаларни ҳам дадиллик билан ҳал этиптилар. Хусусан, уларнинг савий-ҳаракати туфайли 315-умумтаълим мактабининг мебель жиҳозла-

ри янгиланди, 219-мактабининг бир қисми таъмирланди, коллеж битирувчиларининг бир гуруҳи «Тошкентмебель», «Агретав заводи», «Оникс» АЖларда муқим иш билан таъминландилар.

Сиртдан қараганда бошланғич ташкилот ҳамма ишларни осонгина, хамирдан қил суғургандек амалга ошираётганга ўхшайди. Лекин ундай эмас. Та-

шаббускорлар фаолияти билан яқиндан танишганлар бунга яхши биладилар. Зотан, «қийин» билан «иложи йўқ»нинг ўртасида жуда катта фарк бор. «Қийин» — қўп ва хўб меҳнат талаб қилишди, демак. Абдуқодир Тошпўлатов етакчи бўлган ташкилот фаоллари эса меҳнат ва ишчанликни муваффақиятлар эшигини очувчи олтин қалит, деб биладилар.

Ёш усталар О'zLiDePни танлашяпти

Республика Хунармандлар уюшмасининг Самарқанд вилоят бошқармасидаги қуйи бўғин фаоллари ташаббуси билан «Устоз-шогирд анъаналари бардавомдир» мавзусида маҳорат дарси ўтказилди. Тақрибли хунарманд, «Шуҳрат» медали соҳиби Холмуҳаммад Исматуллаев ёш усталарга кулполчилик санъати борасида сабақ берган бўлса, бошқарма бошлиғи, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгаши депутати Ақобир Ҳақимов ва бошланғич ташкилот етакчиси Бахтиёр Ботиров О'zLiDePнинг моддий ва интеллектуал мулк эгалари манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш йўлидаги ишлари хусусида ёш хунармандларга атрофлича маълумот бердилар. Тadbир ниҳоясида О'zLiDeP сафида бўлиш истагини билдирган 20 нафар хунармандга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.



М.РАВШАНОВА.

Ҳаммаси оиладан бошланади



Норин туманидаги «Почта ва алоқа боғламаси» ОАЖда фаолият юритаётган бошланғич ташкилотда «Оилавий корхона — фаровон турмуш омили» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

— Таниқли ишбилармонлар, фермерлар ҳамда ўзини ўзи бошқариш идоралари вакиллари қатнашган тadbирда асосий эътибор оилавий корхоналар ташкил этиш, бу борадаги қонунчиликда яратилган имтиёз ва имкониятлардан самарали фойдаланиш масалаларига қаратилди, — дейди БПТ етакчиси Фозилжон Мадалиев. — Айни пайтда эса фаолларимиз туманда оилавий корхоналар сонини ошириш, хусусий тadbиркорлик билан шуғулланиш истагидаги кишиларга имкон қадар ёрдам кўрсатмоқдалар.

А.МУСУРМОНОВ.

Сув масаласида хато қилиб бўлмайди

Касби туманидаги «Шавкат» фермер хўжалигида фаолият юритаётган БПТ ташаббуси билан «Оқава сувлардан тежамли фойдаланиш — фермер хўжалиги иқтисодий юксалишининг муҳим омили» мавзусида очик мулоқот ташкил этилди.

Тadbирда фермер хўжалиги раҳбари, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби Шавкат Турсунов сўзга чиқиб, мамлакат аграр секторига эришилаётган натижалар, давлатимиз раҳбарининг бир қатор фармон ва қарорлари асосида яратилган имтиёзлар қишлоқ мулкдорлари учун кенг имкониятлар яратётганини таъкидлади. БПТ етакчиси, шунингдек, бугунги кунда хар бир фермер ўз фаолиятидан ташқари ижтимоий-иқтисодий жараёнларда фаол қатнашиши лозимлигига ҳам эътибор қаратди.

О'zLiDeP Касби туман кенгаши раисининг биринчи ўринбасари Жўра Суяров, маҳаллий кенгаш депутатлари — Валерий Самиев, Набира Хўжаёрова, фермер Низомиддин Шодмонов ҳам Президентимиз раҳнамоларида амалга оширилаётган ислохотлар тармоқда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, ер унумдорлиги ва деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилаётганини таъкидладилар. — Бу йилги баҳор инжиқликлари дала меҳнаткашларини бироз қийнаб қўйди, — деди Шавкат Турсунов. — Бундай шароитда сувдан ниҳоятда тежаб фойдаланиш, ғўза ниҳоллари, ғалла майсаларини оби ҳаётга қондириш учун унинг ҳар томчисини авайлаб-асрашимиз керак. Туманда О'zLiDeP фаоллари раҳбарлик қилаётган фермер хўжаликлари кўп экани муносабати билан уларнинг ҳар бирида ушбу долзарб масалани атрофлича муҳокама этиш хусусида келишиб олинди. Ўз муҳбиримиз.



Қирқ тўртинчиси ишга киришди

Навоий шаҳридаги ташкилот, муассаса ва тadbиркорлик субъектларида «Биргаликда биз кучмиз» шиори остида ўтказилаётган партиявий тadbирлардан кейин О'zLiDeP аъзолари сони 420 нафарга ортди

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI asr»

«Кафолатли қурувчи» МЧЖда иш бошлаган янги бошланғич ташкилотнинг дастлабки йиғилишида ана шу рақам тилга олинди.

Шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбасари Ирода Пардаеванинг фикрича, ҳудудда 5 мингга яқин тadbиркорлик субъекти фаолият олиб бораётгани жойларда партиянинг ғоя ва максаллари тарғиботиши янада кучайтиришни тақозо этади. О'zLiDeP вилоят кенгашининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида ҳам айни шу йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмаслиги танқид қилинган эди.

Шундан кейин Навоий вилоятида масъулиятли сиёсий иштирокчи — сайловлар арафасида тарғибот ишларини тубдан кучайтириш борасида кенгашнинг ҳар бир аъзосига аниқ тошпирик ва вазифалар берилиб, долзарб вазифалар ижроси қатъий назоратга олинди.

— О'zLiDePнинг Ҳаракат дастури ва Сайловлар шарт-шароити қатъий назоратга олинди.

формасида белгиланганидек, мулкдорлар синфи вакиллари-нинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ун ҳар томонлама ривожлантиришга қўмақлашиш асосий вазифаларимиздандир, — дейди партия вилоят кенгашининг ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири У.Астанов. — Амалга оширилаётган ўндан зиёд партиявий лойиҳа ҳам асосан ана шу максалга хизмат қилиши лозим.

— Мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, касб-хулар эгаллаши ва ўз бизнесини ташкил этишлари учун зарур шароит ҳамда қулайликлар яратилган, — деди йиғилишда «Кафолатли қурувчи» МЧЖ раиси А.Файзуллаев. — Партия аъзоси сифатида эса энди ана шундай шароитларни янада яхшилашга ўз ҳиссамизни қўшимимиз керак. БПТнинг биринчи йиғилишида айни шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам шундан, деб ўйлайман.

Шу тариқа Навоий шаҳрида 44-бошланғич ташкилот иш бошлади. Сафдошларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида эса ёш ва тапаббускор раҳбар А.Файзуллаев унинг етакчилигига сайланди.



2014 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда!

Мурожаат учун телефон:

(8 371) 215-63-80.

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

Излаган имконият топади

ЭЗГУ МАҚСАД САРИ ИНТИЛГАН ФИДОЙИ, ТАШАВБУСКОР ИНСОН УЧУН
ЮРТ ВА МИЛЛАТ МАНФААТИДАН УСТУВОР НАРСА ЙЎҚ

Носир ТОШЕВ,
Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

Қашқадарёлик таникли тал-биркор Саъдулла Бобокулов ҳақида гап кетганда ҳаёдан бе-ихтиёр ана шундай фикрлар ўтади.

... 90-йилларнинг ўрталари. Олийгоҳни тамомлаган С.Бобокулов турли соҳаларда ишлаб тажриба орттиргач, тал-биркорликка қўл урди ва «Сарбон» ЛТД масъулияти чекланган жамиятига асос солди. Жамият Қарши шаҳри аҳолисига қурилиш-таъмирлаш, сервис ва умумий овқатланиш соҳасида хизмат кўрсата бошлади. Уша йили тadbirkor тикувчилик цехини ҳам ишга туширди.

Бир пайтлар Қашқадарёда машхур бўлган «Санам» очик акциядорлик жамияти банкрот, деб эълон қилинган, С.Бобокулов Президентимизнинг

«Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги фармонида белгиланган талаблар асосида ушбу корхонани масъулияти чекланган жамиятга айлантирди. Ишлаб чиқариш жараёни қайта модернизация қилинди, кадрлар таркиби янгиланди. Хитой, Германия ва Ҳиндистондан «Yamata» ва «Tupical», «Fusing Machine», «Brother», «Aksa» русумли тикув ва пресслаш ускуналари олиб келинган, тўхтаб қолган корхона яна фаолият юрита бошлади. Тадбиркорлик соҳасида нафақат ишни тўғри йўлга қўйиш, балки буюртмачи топиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буни тўғри ангаган тadbirkor дастлабки кунданок маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратди. Чунки сифатли маҳсулотта харидор хамиша топилади.

«Санам» бугунги кунда юқори қувват билан ишлаб турибди. Корхона қошида ўнга яқин савдо дўкони фаолият кўрсатмоқда. «Моделлар уйи» ишлаб чиқаришни диверсифи-

кациялашда муҳим омил бўлаётир.

2013 йили Қашқадарёда енгил саноат уюшмаси ташкил этилиб, унга Саъдулла Бобокулов раҳбар этиб сайланди. Бу тadbirkorга билдирилган на-вбатдаги ишонч эди. Ҳозирда фабрика биносида «Тикувчи санамлар», «Чевар тикувчилар», «Лекала Фурнитура Комфорт» масъулияти чекланган жамиятлари ва «Лола Жаҳон Маликаси» хусусий корхонаси фаолият юритмоқда. Ушбу жамоаларда 600 нафар киши меҳнат билан банд, 100 хилдан ортик халқ истеъмоли моллари, тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётти. 2013 йили бу ерда 6 млрд. 528 млн. 463 минг сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилнинг ўтган уч ойида ушбу кўрсаткич 1 млрд. сўмдан зиёд-роқни ташкил этди. Энг муҳими, олинган фойда асосан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник янгилаш ва ходимлар манфаатдорлигини оширишга йўналтирилмоқда.

— Ҳақиқий тadbirkor ўз фаолияти давомида хамиша изланиб, янгилек сари интилиб яшаши керак, — дейди С.Бобокулов. — Айниқса, ҳозирги иқтисодий ислохотлар жараёнида бусиз мумкин эмас. Зеро, пул, даромад осмондан тушмайди. У тинимсиз меҳнат ва изланиш маҳсулидир.

Ҳозир биз 100 турга яқин махсус кийим-кечак, кўрпа, матрас, эркаклар қўйлаги ишлаб чиқаряпмиз. Келгусида ўз маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилишни режалаштирганмиз. Жамиятга қарашли савдо дўкониари ишлаб турибди. Чеварларимиз йирик шаҳарлардаги тикувчилик корхоналарида бўлиб ўз тажрибаларини оширишмоқда. Кези келганда айтишим керакки, эришлайётган ютуқларда жамият қошидаги О'zLiDeP бошлангич ташкилотининг ҳам ҳиссаси катта бўляпти. Биз фаоллар кучи ва ёрдамига таяниб, маҳсулот сифати учун қурашни ўз ишоримизга айлантирганмиз. Бу эса бозорнинг асосий тала-



бидир. Маблағ қўпайгач, ишлаб чиқаришни техник ва техно-логик янгилаш, ходимлар учун қулай шарт-шароит яратиш, моддий манфаатдорликни ошириш имкониятлари янада кенгайди.

Давлатимиз раҳбарининг «Тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни янада ривожлантириш соҳасидаги жуда муҳим кадам бўлди, дейиш мумкин. Қарордан келиб чиқиб, йил охирига қадар уюшмамизга қарашли корхоналарда 200 та янги иш ўрни ташкил этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 100 нафари бандлигини таъминлашни режалаштирганмиз. Бундан ташқари 1 млрд. 700 млн. АҚШ доллари қийматига тенг замонавий технологиялар сотиб олиш қўзда тутилган. Шу ҳисобдан бўяш цехи барпо этилади. Натижада яна қўйлаб ёшлар бандлиги таъминланади. Жорий йил 11-12 апрель кунлари Қаршида ўтказилган «Саноат армаракси ва кооперация биржасида қатнашиб, маҳсулот етказиб бериш бўйича вилоятдаги қатор корхона, ташкилот ва муассасалар билан 870 миллион сўмлик шартномалар имзоланди.

— Тадбиркорлик чироқчиликларга азалий одат, — дейди халқ депутатлари вилоят ва ту-

ман кенгашлари депутати С.Бобокулов. — Шундай экан, чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхоналарни янада қўпайтириш лозим. Эндиликда О'zLiDeP фаоллари бўлган ёшлар чорва моллари наслини яхшилаш, Ангор эчкиларини қўпайтиришга оид ташаббуслар билан чиқишгаётгани қувонарлидир. Лалмикор майдонлар, кир-адирларда омилкорлик оркали помидор, бодринг, лимон, тарвуз ешти-риб, бозор пештахталарини сабзавот маҳсулотлари билан тўқин-сочин қилаётган тadbirkorларга тасанно айтишнинг келадди. Қувонарлиси, туманимизда тadbirkorлик ривожланаётганлиги боис аҳолига кўрсатилаётган маданий-маиший хизмат турлари қўпайиб, сифати ҳам яхшиланмоқда. Бугунги Чироқчи йўли йил аввалгисидан кескин фарқ қилади. Замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, савдо мажмуалари, маданий-маиший иншоотларга бокиб тўймайсан, киши. Бу, энг аввало, мустакиллик шарофати бўлса, иқкинчилдан, кичик бизнес ва тadbirkorлик учун кенг йўл очилгани туфайлидир. О'zLiDeP аъзоси сифатида амалга оширилаётган хайрли ишларда озми-қўпми ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Зеро, фаоллик ва дахлдорлик туйғуси зиммамизга катта масъулият юклаб, эл-юрт манфаати йўлида хамиша сидқидилдан хизмат қилишга ундайдил.

«Ватан тараққиётига менинг ҳиссам»

Қўқон шаҳрида Савдо-саноат палатаси. Хунарандлар уюшмаси. «Қамолот» ЕИХ вилоят кенгаши ташаббуси билан ёш тadbirkorлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларида фаолият олиб бораётган 55 нафар ёш тadbirkor маҳсулотлари меҳмонлар диққатини тортмай қолмади. Кўргазма давомида бир-биридан интилувчан ёшларнинг ишлаб чиқараётган миллий либослари, чиннисолик, кулолчилик, устачилик, дурадгорлик каби қатор маҳсулотлари намойиш этилди.

— Бугунги кўргазма ёшларни тadbirkorликка кенг жалб этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва шу орқали янги иш ўринлари яратиш мақсадида ташкил этилди. — дейди «Қамолот» ЕИХ Учқўприк туман кенгаши раиси Нилуфар Усмонова. — Жақжи болақонлар учун миллий қўғирчоқлар асш менинг жону дилим, — дейди ёш хунаранд Мўштарийбегим Жўраева. — Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида миллий қўғирчоқларимиз масаласига эътибор қаратилгани бежиз эмас. Шундан келиб чиқиб, қўғирчоқлар ясаш орқали мамлакатимиз номини дунёга кенгроқ ёйишга, жаҳон аҳлини лол қолдиришга бел боғладим. Тадбир сўнгига «Йилнинг энг намунали ёш фермери», «Йилнинг энг намунали ёш хунаранди», «Йилнинг энг намунали ёш тadbirkори» номинациялари голиблари аниқланиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

Ахроржон МУСУРМОНОВ.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Истеъмомчи манфаати бирламчи

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНЛАРИДАНОҚ
МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚЎЛАМЛИ
ИСЛОҲОТЛАР ТУФАЙЛИ БАРЧА СОҲА ВА ТИЗИМЛАРДА
БЎЛГАНИДЕК, СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ
ТИЗИМИДА ҲАМ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР РЎЙ БЕРДИ

Карим БЕГМАТОВ,
Навобий вилояти Синов ва
сертификатлаштириш
маркази давлат корхонаси
бош мутахассиси

Марказимиз жамоаси ҳам давр талабидан келиб чиқиб, ўз фаолиятини такомиллаштириш, истеъмомчиларга сифатли хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Кейинги йилларда харид қилинган сўнгги русум-даги замонавий метрологик ўлчаш ва қиёслаш ускуналари, қўчма лаборатория жиҳозлари бу борада бизга қўл келмоқда. «Ўлчаш воситалари устидан Давлат метрологик текшируви» бўлимида ҳам барча қулайликлар яратилган. Агар яқин йилларгача ўлчаш воситаларини қиёслаш, синов ҳамда ўлчов жиҳозларини метрологик шаходатлаш ишлари асосан стационар лабораторияларда амалга оширилган бўлса, эндиликда бунга хожат йўқ. Чунки синов ва сертификатлаштириш билан боғлиқ барча жараёнлар махсус жиҳозланган қўчма лабораториялар оркали жойларнинг ўзида истеъмомчи учун қулай шарт-шароитларда бажарилмоқда. Хусусан, «Қаскад-2» русумли қўчма, замонавий қиёслаш ускунаси мушкуллимизни осон қилаётти. Ушбу ускуна ёрдамида Навобий, Зарафшон ва Зафаробод шаҳарларидаги қўп қаватли уйларда истико-лат қилувчи аҳоли хонадонларидаги иссиқ ва совуқ сув ҳисоблагичларини жойларнинг ўзида қиёслашдан ўтқа-

зиш имкониятига эга бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ижросини таъминлаш, маҳаллий аҳоли, ишлаб чиқариш ҳамда тadbirkorлик фаолияти билан шугулланувчи фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида табиий газ, иссиқ ва совуқ сув шунингдек, электрон электр ҳисоблагичларини қиёслашдан ўтказиш бўйича «Ғарбгаз-таъминот» унитар корхонаси Навобий вилоят бошқармаси, вилоят «Сувокова» ИЧБ ва «Навобий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» очик акциядорлик жамияти билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Бу, албатта, ўз самарасини бераётти. 2013 йилнинг дастлабки чорағида 4592 та маиший газ, 3311 та иссиқ ва совуқ сув, 156 та 1 ва 3 фаза-ли электрон электр ҳисоблагичлари қиёслашдан ўтказилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорағида ушбу кўрсаткич маиший газ ҳисоблагичлари бўйича 1,3 баробар, иссиқ ва совуқ сув ҳисоблагичлари-ни қиёслаш бўйича 2,12 баробар ҳамда электрон электр ҳисоблагичлар бўйича салкам 2,1 баробарга ошди.

Айни кунда махсус лицензия асосида фаолият юритаётган «Метрологмонтажсервис» масъулияти чекланган жамияти, «Таъмирчи» ишлаб чиқариш корхонаси, «Лабора-да-Зарина» ҳамда «Зарафшон-Сантехник» хусусий корхоналарида турли-туман сервис хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган. Бу эса маҳаллий аҳоли, ишлаб чиқариш ва тал-

биркорлик субъектларидаги маиший ва саноат газ, иссиқ ва совуқ сув сарфини аниқлашда қўлланиладиган ҳисоблагичларни белгиланган муддатларда таъмирлаш ҳамда давлат қиёсловидан ўтказиш учун қулайлик туғдирмоқда. Марказимизда «АКВА-200» русумли Д-150 миллиметр намуна-ли ускуна бўлмаганлиги сабабли ҳозирча Навобий кон-металлургия комбинатининг Зарафшон шаҳридаги Марказий кон бошқармаси назорат-ўлчов воситаларидан фойдаланилмиш. Жорий йилнинг ўзида шу йўл билан 4 та саноат сув ҳисоблагичларини қиёсловдан ўтказдик.

Яқин кунларда «Зарафшон-Сантехник» хусусий корхонасида газ ҳисоблагичларини таъмирлашга мўлжалланган цех ишга туширилади. Бу эса вилоятнинг олис қўл худудлари — Зарафшон шаҳри, Учқудук ва Томди туманларида истикомат қилувчи аҳоли учун катта қулайлик туғдириши шубҳасиз. Жорий йилнинг унчинчи чорағида соатига 40 метр-қуб газ ўтказиш қуввати-га эга бўлган «МГ-40» русумли қиёслаш ускунасини келтириб ўрнатиш, унинг ёрдамида иш унуми ва қўламини янада ошириш режалаштирилмоқда.

Қиска қилиб айтганда, истеъмомчилар ишончини қозониш, уларга сифатли хизмат кўрсатиш жамоамизнинг асосий мақсадидир. Бу йўлда барча имкониятлар сафарбар этилиб, замонавий техника ва синов воситаларидан унумли фойдаланилмоқда.

ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«XXI ASR» ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ

Президентимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, долзарб вазифалар, айниқса, хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш борасидаги масалалар ижросини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш мақсадида Сизларни қизиқтираётган саволлар юзасидан мутасадди идоралар вакиллари иштирокида тўғридан-тўғри мулоқотлар уюштирмоқда.

КАДРЛИ ФЕРМЕРЛАР, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЮРТДОШЛАР!
Очиқ мулоқотда фаол қатнашиб, қўйида номлари келтирилган ташкилот, муассаса мутасаддиларига ўзинингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга ҳалакат бераётган муаммолар юзасидан муурожаат қилишингиз мумкин.

Бугунги кунда ТADBIRKORЛИККА, ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ фаолиятини кенгайтиришга қаратилган ЮКСАК ЭЪТИБОРГА ҚАРАМАЙ, айрим ҳудудларимизда соҳани жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, шубҳасиз, юртимиз равақи ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Ўлайимизки, тўғридан-тўғри мулоқотда кўтаришган мавзўлар тadbirkor ва ишбилармон юртдошларимиз, қишлоқларда етакчи кучга айланган фермерларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

МАРҲАМАТ, ЁЗИНГ, ҚЎНФИРОҚ ҚИЛИНГ! МУРОЖААТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.

ОЧИҚ МУЛОҚОТГА:

АТ «Ипотека банк» бошқаруви раиси Омон Мусаев,
Давлат солиқ қўмитаси, «Тadbirkor аёл» ассоциацияси,
«Микрокредитбанк» ОАТБ раҳбарлари таклиф этилган.

Умид қиламизки, мулоқотга таклиф этилган мутасадди идоралар вакиллари тахририят ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тadbirkor юртдошларимизни қизиқтираётган саволлар, улар фаолиятига оид ҳаётий масалаларни ҳал этиш учун вақт топадилар.

Бешинчи мулоқот 2014 йилнинг 16 майида «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси тахририятида (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-А уйда) соат 16.00 да ўтказилади. Тадбиркор ва ишбилармонларнинг саволларига АТ «Ипотека банк» бошқаруви раиси Омон Мусаев жавоб қайтаради.

Саволлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинмоқда:

**(+998 71) 281-40-17, 215-63-80.
(+998 95) 194-83-95, 194-83-96.**

Электрон почта: **XXI_ASR@mail.ru**

Экспорт ҳажми қўпаймоқда

МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН ЯНГИ-ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА. БУ ЭСА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАЁТИР

Мухаббат РАВШАНОВА,
«XXI asr»

Эндиликда ўз маҳсулотини хорижга экспорт қилишни ихтиёр этган мулкдор учун ҳеч қандай муаммо йўқ. Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси унга бу борада яқиндан ёрдам кўрсатишга хамиша тайёр.

Жамғарманинг Самарканд вилоят филиали ҳам ўз олдида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Дейлик, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг тижорат таклифларини хорижий ҳамкорларга ўз вақтида етказиш, экспорт салоҳиятини янада ошириш диққат марказида тутилган. Вилоятда мавжуд 1008 та кичик биз-

нес, хусусий тadbirkorлик субъектларининг иқтисодий салоҳияти, маҳсулот турлари ва ассортименти тизимли равишда таҳлил қилинмоқда. Уларнинг ташки бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини ўрганиш жараёнида тегишли маълумотлар базаси шакллантирилиб, ушбу хизматларга кўрсатиладиган хизматлар аниқланапти.

— Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида 35 та тadbirkorлик субъектига ҳукукий, ташкилий хизматлар кўрсатилгани натижасида 45,9 млн. АҚШ доллари миқдоридagi экспорт шартномалари рўйхатга олинди, — дейди жамғарманинг Самарканд вилоят филиали директори Сухроб Ҳалимов. — Биргина мисол. Хитойнинг «Xinjiang Lisheng Medikal Materials Co LTD» корхонаси билан 550.000 минг АҚШ доллари миқдорида экс-

порт шартномасини имзолаган «Mister Twister» масъулияти чекланган жамиятига ўз маҳсулотини четга чиқариш учун 100 млн. сўм миқдорида молиявий ёрдам берилди.

Умуман, жорий йилнинг 1 май ҳолатига вилоят бўйича 52,9 млн. АҚШ долларига тенг миқдордаги маҳсулот ва хизматлар хорижий давлатларга экспорт қилинди.

Бу эса вилоятда экспорт қилувчи корхоналарни қўшимча рағбатлантириш, экспортбон маҳсулот ишлаб чиқараётган тadbirkorларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хизмат сифати ва маданиятини ошириш муҳим иқтисодий вазифалардан бирига айланишдан далолат беради. Экспорт бозорини жадал ривожлантириш эса кичик бизнес вакиллари кучига-куч қўшиб, уларни янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Мартин Лютер Кинг.

«Ўзингга ёқмаган нарсани бошқаларга раво кўрма».

Конфуций.

Бир ҳовуч дур

«Эртага охирати замон бошланади, десалар ҳам, бугун дарахт эккан бўлардим».

Сўлларнинг саробга айланаётган орзуси

Халқаро экспертларнинг фикрича, Жорий йилда дунё миқёсида қирқдан зиёд президентлик ва парламент сайловлари бўлиб ўтади. Бу 2014 йилда турли ғоя ва мақсадларни илгари сураётган сиёсий партиялар ўртасидаги кураш янада авж олишидан далолат бермоқда.

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Тарихий манбалардан маълумки, дастлабки сиёсий партиялар қадимги Юнонистонда ташкил этилган бўлиб, улар жуда оғизликнинг мафлаатларини ифода этган. Яъни уюшган сиёсий ташкилот нихоятда тор доирада фаолият олиб борган. Замонлар ўтгач, халқро майдондаги ижтимоий-сиёсий вазият ўзгари. Мана, бир неча асрликки, ўнг ва сўл партиялар ўртасидаги рақобат кучайиб бормокда. Уларнинг бири кучли бозор иқтисодиёти, иккинчиси эса кучли ижтимоий ёрдам тарафдоридир. Савол туғилди: хўш бунинг дунё сиёсий сахнасида кимнинг қўли баланд, қайси партиянинг ғоя ва максаллари оммаини ўзига қўпроқ жалб этмокда?

Юкоридаги саволга жавоб беришга шошилмайлик-да, ўзимизча мулоҳаза қилиб кўрайлик. Таниқли спёсатчилар бўлажак сайловларда муваффақият қозониш учун турли ғоя ва макссадларни олға сураётган спёсий партияларнинг ҳуқуқий асоси мустахкам бўлмоғи дозимлигини таъкидлашмоқда. Ана шундагина улар қўзланган макссадларига эришишни, халқнинг чинакам ишончини қозониши мумкин. 2014 йилда дунёнинг 26 мамлакатада парламент сайловлари бўлиб ўтиши кутилмоқда. Бу ўша мамлакат, ўша жамият учун ўзига хос спёсий имтиҳондир.

Жоржий йилининг апрель ойида Канаданинг Квебек вилоятида бўлиб ўтган сайловларда Либерал партиянинг қўли балан келди. Сайловчилар «айирмачилик» (сепаратчилик) дастурига асосланган ҳуқуқрон Квебек партиясининг сиёсий йўлини қўллаб-қувватлаганлигини тасдиқлаш лозим. Бу эса француз тилида сўзлашувчи маъмуриятта мустақиллиги юзасидан референдум ўтказиш имкониятини ҳам йўққа чиқарди. Амалдаги қонунларга асосан кейинги сайловлар 2018 йилнинг октябрида ўтказилади.

Эслатиб ўтиш жоизки, Квебек партиясининг ташаббуси билан вилоятнинг Канада таркибидан ажралиб чиқиши юзасидан икки бор, яъни 1980 ва 1995 йилларда референдумлар ўтказилган, лекин мустақиллик тарафдорлари қўзғалган макссадга эриша олинмаган. Квебек аҳолисининг бешдан тўрт қисми учун француз тили она тили ҳисобланади. Шунга қўра, сепаратчилар ушбу вилоят худудидан алоҳида, француз тилида сўзланувчи давлат ташкил этишни мақсад қилишган. Лекин либерал ғоялар айирмачилигининг мазкур қўринишини йўққа чиқарди. Таъкидлаш жоизки, 1867 йилда ташкил топган либерал партия йirik сиёсий куч саналади. Аввалига эркин савдо ва Буюк Британиядан мустақилликни талаб қилувчиларни бирлаштирган мазкур партия вакиллари 1930 йилдан бошлаб фаол ижтимоий сиёсат орқали фермерларга қўшимча тўловларни жорий этиш ғоясини илгари суради. Хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилиб, давлатнинг ижтимоий таъминотта оид сиёсатини тўла қўллаб-қувватлагани боис мазкур партия мамлакатда 69 йил давомида ҳукмронлик қилди.

Кези келганда XIX-XX асрларда либерализмнинг икки оқими шаклланганлигини эътироф этиш лозим. Мутахассисларнинг фикрича, биринчи оқим — мулкдорларнинг манфаат ва

хукукларини химоялашга, иккинчиси эса давлатнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар-
га аралашувини чеклашга хиз-
мат қиладиган буржуа-элитар
оқимидир. Улар XIX асрнинг
охирларигача назарий ва амал-
ий жиҳатдан фаолият олиб
борди.

Инсон эркинлиги, озоодлиги таъминланган ташкилотларнинг таъсирдорлиги, либерализм хозирги кунда янада фолланшмоқда, десак янгиланмаган бўламиз. Бу ерда гап асосан барча фуқароларнинг конун олдидан тенглиги, уларнинг виждон, сўз эркинлиги, турли ассоциация ва сиёсий партиялар таркибидан мустақил фаолият юритиши ва ҳоказолар тўғрисида бормоқда. Кучли мафкуравий оқимлардан бирига айланган либерализм бугун Финляндия, Испания, Эстония, Словения, Кипр, Канада, Уругвайда ҳам ўз мавқеини мустаҳкамлаётган.

Келинг, шу ўринда Франциядаги вазиятга бир назар ташлайлик. Таҳлилчилар гарчи мамлакат иқтисодий тараққиёт соҳасида юқори натижаларга эришяётган бўлса-да, ижтимоий тармоққа йўналтирилаётган маблағ ва солиқ юқининг юқориликни давлат бюджетига сезаларли таъсир ўтказаятганини айтишмоқда. Охириги сайловлардан сўнг ҳокимияти тепасига келган социалистлар етакчилиги Франсуа Олланд ҳам жаҳонда ҳукм сурган иқтисодий тангликнинг Франциядаги асоратларини очикчасига тан олди. Яъни мамлакатнинг жаҳон бозоридаги иқтисодий макенини мустаҳкамлаш қийин кечмоқда. Ўтган йилнинг дастлабки чорагида мамлакатда ишсизлик даражаси 10 фоиздан ошди. Амалдаги президент 2013 йилни ишсизликка қарши курашиш йили деб эълон қилгани боис барча куч ва имкониятлар шу мақсадга йўналтирилди. Хусусан, ўтган йилнинг март ойидан бошлаб Францияда ёшлар учун ҳар йили 4 минг евро ёрдам пули беришни қўзда тутuviчи «Келажак авлод шартномаси» қабул қилинди. Қўмак асосан ҳодимлар сони 300 нафардан кам

булмаган кичик корхоналарга
қўрастилишни белгиланган.
Аммо вазиятдан чиқиб кетиш
нинг бундай усули давлат бюд-
жетиغا яхшигина зарар етказа-
болади. Айримлар бошланган
ислохот қутилган натижани
бермаса, навбатдаги сайлов-
ларда Олдан партиясининг
мағлубияти мукаррар эканли-
гини айтишмоқдалар. Бу эса акса-
рийт давлатларда сўйлар ва
уларнинг балидпарвос ваъда-
ларига ишонч сўниб бораётган-
нинг яна бир далилидир.

Ўнгла ва сўллар ўртасидаги муносабатлар ҳусусий мулкка бўлган ёндашув жараёнида янада яққолроқ сезилаётир. Ўнгла, яъни либераллар ҳусусий мулк, мулкка эгалик қилиш ҳақиқий эркинлик, қолаверса халқ турмуш фаровонлигининг асоси, деб ҳисобланса, сўллар айнан ҳусусий мулкни жамиятдаги мавjud муаммоларнинг бош сабабчиси қилиб қўрсатишгги. Сўлларнинг ҳусусий мулкни инкор этишга қаратилган тенглик ғояси аслида пуч эканини 70 йиллик шўро бошқаруви даври яққол намоён этгани ҳам қўпчиликка яхши маълум.

Хатто якин вактларгача
сўллар мавкеи юкори бўлган
Грецияда ҳам ижтимоий тенг-
сизлик кучайгани бот-бот тил-
га олинмоқда. Ижтимоий
ёрдам тўғрисидаги гап-сўзлар-
га қарамай, жамиятда камба-
ғаллар сони кескин ошиб бора-

ётир. Хусусан, асосий ишлаб чиқарувчилар санолигинан тадбирлар ва фермерлар белгиланган солиқ юкини кўтаролмай қолдилар. Бугунга келиб мамлакатни Евроҳудуддан чиқариш масаласи кун тартибига қўйилаётганлиги боиси ҳам шунда. Охир-оқибат навбатдаги сайловларда ўнг марказчи — «Янги демократия» партияси 30 фоизга яқин овоз олиб, ғалаба қозони. Эълатиб ўтайти: Европадаги глобал молиявий-иктисодий инкироздан энг кўп жабр кўрган мамлакат бу — Греция хисобланади.

Сиёсатшунослар кучли бозор иктисодиёти шарафига соғлом ғоя ва максалларга таянадиган партияларга ўз максалларига эриша олишларини таъкидлайди. Аслида ҳам шундай. Чунки ҳавойи орзулар билан узокка бориб бўлмади. Албатта, бу ўринда суъ кўшпартиявийлик тизими ва унинг истикболлари ҳақида кетмоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан аёнки, сайлов жараёнида ҳокимият учун қўйлаб партиялар кураш олиб боради. Улар орасидан ўзининг аниқ ғоя ва максалларига эга бўлган энг кучлиларига омма ишончини қозониб, ғалабага эришади. Бу эса узок давом этадиган оғир, машаққатли жараёндир.

Маълумки, Хитойда давлат бошқаруви асосан битта партия томонидан амалга оширилади. Лекин бу мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ўсишига таъсир ўтказмаётгани йўқ. Таҳлилчилар мазкур холатни партия нуфузининг юқорилиги ва ислохотларнинг изчиллиги билан изоҳламоқдалар. Мамлакатда ҳусусий мулк дахлсизлиги таъминланган бўлиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият, иктисодиётни ривожлантириш учун барча имконияتلардан фойдаланилмоқда. Худди ана шу омиллар Хитойнинг дунёвий обрўсини оширишга хизмат қилаяпти.

Сиёсат майдонидаги ўзгаришлар XX асрнинг 50-йилларидадан бошлаб дунёнинг етакчи давлатларида ҳокимият асосан ўнг партиялар томонидан бошқарилаётганини кўрсатади. Бунинг боиси иктисодий тараққиётга айнан ўнг партиялар ғояси орқали эришиლაётгандир. За-

монавий саноат тизимига эга бўлган давлатларнинг сиёсий ҳаётида ҳам либерал-демократик партияларнинг ўрни салмоқли. Бу ўринда Германия, Италия, Финляндия, Дания, Бразилия, Исландия ҳамда Швейцарияни мисол сифатида келтириш мумкин. Бир қатор давлатларда эса либерализм вакиллари етакчи муҳолифат сифатида фаолият олиб боришмоқта

Худлас, аниқ стратегиянинг йўқлиги, факат радикал ғоялар билан кечканиб қолиш, куруқ сўзлабозлик, режадаги ишларни бажара олмаслик, амалий ғоя ва таклифларни очикдан-очик инкор этиш сўзлар оўрисини тобора туширмоқда. Либерал партиялар эса ўз дастурларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, давлат ва жамият манфаатларига хизмат қиладиган амалий ишлари билан омма эътиборини қозонмоқдалар.

Аслида либерализм баъзи бир сўл қанот вакиллари таъкидлаганидек, чек-чегарасиз эркинлик дегани эмас, балки ўзга-

лар ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилмасдиқлар. Либераллар, яъни ўнглр плурализм, шахс манфаатини ҳурмат қилган ҳолда ирқий, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар барча-нинг қонун олдида тенглиги та- рафдорл саналади. Либераллар- нинг фикрича, ислохотлар жара- раёнида ҳар бир инсоннинг хо- хиш-иродаси инобатга олинши- ги, мулкнинг дахлсизлиги таъ- минланиши, давлатнинг тадбир- қорлар фаолиятига аралашуви қаматйрилиши лозим.

Океанортидаги айрим мамлакатлар сиёсий ҳаётига назар ташласак, бу ерда ҳам либерал ғоялар жамият ривожига бир-данди аҳамият қасб этётганини гувоҳ бўлади. Жорий йилда Лотин Америкасидаги кўплад давлатларда сайловлар бўлиб ўтганини қўлгайтириш. Бразилия, Боливия, Колумбия, Панама ва Коста-Рика ана шулар жумласидан. Сайловларда ғолиб чиққан партиялар шубҳасиз мамлакат иқтисодини янада юксалтиришга ҳизмат қилади, абадга.

Жорий йилнинг декабрь ойида мамлакатимизда ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлари сайловлар бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, сайловлар жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида партияларнинг тутган ўрни, ислохотлар жараёнидаги иштирокини белгилаб бевучи ўзига хос имтихондир. Аввали сайловлар ҳам очик-ошкоралик руҳида, қонун талабларига мувофиқ ва демократик тамойиллар асосида ўтганининг айтиб ўтиш жоиз.

Бунى 36 та давлат ва тўртта халқаро ташкилотдан таширф буюрган 270 дан ортиқ кузатувчилар ҳам тўла эътироф этишган эди.

Умуман олганда, сайловлар жараёнида барча сиёсий партиялар қатори O'zLiDeP ҳам ўз нуктаи назарини муносиб равишда ҳимоя қилмоқда. Ўтган сайловлар натижасига қўра Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 53 нафар. Халқ демократ

тик партиясидан — 32, «Миллий тикланиш» партиясидан — 31 ва «Адолат» Социал-демократик партиясида 19 нафар депутат сайланганини инобатга олсак, мамлакатимизда партиялараро соғлом рақобат муҳити шаклланаётганига яна бир қаррашонча ҳосил қиламиз. Навбатдаги сайловларда ҳам тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар мафлаатини ифода этяётган O'zliDeP ўз позициясини янада қатъий ҳимоя қилиб, сайловчилар ишончини қозонишига шубҳа қилмаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, либерализм бугун дунё микёсида сўл қарашларга нисбатан анча устун мамвеса эгадир. Зеро, унинг ғоялари замирида демократия-нин чуқурлантириш, соғли б-у қарорлик жамияти ва кучли фу-зор инфратузилмасини шакл-лантириш, эркин меҳнат фао-лиятини ривожлантириш, иш-сизликни камайитириш, аҳоли ўртасида эса бандлик даражаси-ни ошириш каби эзгу максаллар ётади.

➤ **ЭЪЛОН**

Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган оммавий оферта савдосига таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 апрелдаги 1743-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарорининг 2-милоси билан тасдиқланган Низоми, Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш Давлат комиссиясининг 2012 йил 21 майдаги 02-02-24-36-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ қуйидаги давлат мулклари оммавий оферта савдосига чиқаришда:

1. Шуманай тумани, «Ободолантириш» бошқармасига қарашли Шуманай тумани, Мусқал қунаси, рақамсиз уйда фойдаланиш ҳаммом биноси – сотилиш баҳоси **133.355.600** (бир юз ўттиз уш миллион юз эллик беш миңг олти юз) сўм.
2. Хўжайли туманидаги «Хожели талас» ОАЖга тегишли, Қўнгўрт тумани, Бекниязов қунаси, рақамсиз уйда фойдаланишдаги турган ҳаммом биноси – сотилиш баҳоси **65.462.500** (олтимиш беш миллион тўрт юз олтимиш икки миң беш юз) сўм.
3. Тақтақўрт тумани, Ибрагимов қунаси, рақамсиз уйда жойлашган, «Қуванш-Жарма» ирригация бошқармасининг №1 омборхона биноси ва қурилмалари – сотилиш баҳоси **186.977.060** (бир юз саксон олти миллион тўққиз юз еттиши етти миңг олтимиш) сўм.
4. Тақтақўрт тумани, Ибрагимов қунаси, рақамсиз уйда жойлашган, «Қуванш-Жарма» ирригация бошқармасининг №2 омборхона биноси ва қурилмалари – сотилиш баҳоси **219.748.160** (икки юз ўн тўққиз миллион олти юз қирқ саксон миңг бир юз олтимиш) сўм.
5. Тақтақўрт тумани, Ибрагимов қунаси, рақамсиз уйда жойлашган, «Қуванш-Жарма» ирригация бошқармасининг №3 омборхона биноси ва қурилмалари – сотилиш баҳоси **152.157.180** (бир юз эллик икки миллион бир юз эллик етти миңг бир юз саксон) сўм.
6. Тақтақўрт тумани, Ибрагимов қунаси, рақамсиз уйда жойлашган, «Қуванш-Жарма» ирригация бошқармасининг устанхона биноси ва қурилмалари – сотилиш баҳоси **370.328.200** (юч юз еттиши миллион юз юз йигирма саксон миңг миң юз) сўм.
7. Тақтақўрт тумани, Ибрагимов қунаси, рақамсиз уйда жойлашган, «Қуванш-Жарма» ирригация бошқармасининг Тақтақўрт базаси биноси ва қурилмалари – сотилиш баҳоси **420.758.360** (тўрт юз йигирма миллион олти юз эллик саксон миңг юз юз олтимиш) сўм.
8. Тўртқўлт тумани, «Жамбаскала» ОЙИда жойлашган, тугатилган «Узвэдстрой» ассоциациясига қарашли фаолит қўрсаткич турган асфальт заводи – сотилиш баҳоси **326.220.300** (юч юз йигирма олти миллион икки юз йигирма миңг тўққиз юз) сўм.
9. Тўртқўлт тумани, Қирғиққўш қунаси, 18-уйда жойлашган, «Эпиклика-нефтебаза» шўба қорхонасига қарашли зотиқ маъмурий бино ва қурилмалари – сотилиш баҳоси **741.154.900** (етти юз қирқ бир миллион бир юз эллик тўрт миң тўққиз юз) сўм.
10. Тугатилган «Узвэдстрой» ассоциациясига қарашли бўли турган молхона биноси – сотилиш баҳоси **305.347.600** (юч юз беш миллион юз юз қирқ етти миңг олти) сўм.
11. «Ходжабайгон» МФЖга қарашли маънавий ёнгимат қўрсаткич қорғуси – сотилиш баҳоси **78.095.550** (еттиш саксон миллион тўққон беш миңг беш юз эллик) сўм.
12. «Акселерулятор» МФЖга қарашли қурилиш тугатилган идора биноси ва қурилмалари – сотилиш баҳоси **21.809.150** (йигирма бир миллион саксон юз тўққиз миңг бир юз эллик) сўм.
13. Чимбой тумани ҳўжияматига қарашли қурилиш тугатилган 1-турар-жой биноси – сотилиш баҳоси **39.980.100** (тўрт юз юз миллион тўққиз юз саксон миңг бир юз) сўм.
14. Чимбой тумани ҳўжияматига қарашли қурилиш тугатилган 2-турар-жой биноси – сотилиш баҳоси **36.065.650** (тўрт юз миллион олтишик беш миңг олти юз эллик) сўм.
15. Чимбой тумани Ободолантириш бошқармасига қарашли қурилиш тугатилган 3-турар-жой биноси – сотилиш

баҳоси **42.077.970** (қирқ икки миллион етмиш етти минг тўққиз юз етмиш) сўм

- [illegible]

О‘зЛиДеР Фарғона вилоят кенгаши аппарат ходими Шерзод Раҳмонқуловга онаси
Дилбархон ЮСУПОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Савдода қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарлар
Республикаси Ҳусусийлаштириш, монополиядан чиқариш в

Манзил: 230100, Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси, 112А-уй. Телефонлар: (8 361) 222-02-87, 222-02-83, 222-02-12

Наманган «Баркамол авлод»ни кутяпти

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жорий этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими таркибига кирувчи «Баркамол авлод» ўйинлари бу йил Наманган шаҳрида ўтади

Шухрат ХҲҲАЕВ,
«XXI asr»

Кунни кеча пойтахтимизда ана шу катта спорт байрамига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, академик лицей ва касбхунар коллежлари ўқувчилари ўртасида 2001 йилдан буюр ўтказилаётган «Баркамол авлод» ўйинларининг биринчи беллашувларига Жиззах вилояти мезбонлик қилган бўлса, кейинги йилларда мусобака Андижон (2003 йил), Чирчик (2005 йил), Нукус (2008 йил) ва Термиз (2011) шаҳарларида ўтди.

Тадбирда ўтган йиллар давомида мазкур мусобакани ўтказиш тартиби такомиллаштириб, унинг регламентига бир қатор ўзгаришлар киритилгани, хусусан, 2005 йилдан ўйинларга олимпия захиралари коллежлари тарбияланувчилари ҳам жалб этила бошлангани таъкидланди. Бу эса иштирокчилар ўртасидаги рақобатнинг янада кучайишига сабаб бўлди. Ўз павбатига, «Баркамол авлод-2001» мусобакаларида ўсмирлар спортнинг 7 тури бўйича бахслашган бўлишса, 2011 йилда 12 йўналишда кураш олиб борилган. Бу йилги ўйинлар эса спортнинг 16 тури бўйича ўтказилади.

— «Баркамол авлод-2014» спорт мусобакаларининг ҳал қилувчи финал босқичида жами 996 нафар



ёш спортчи иштирок этиди, — деди матбуот анжуманида Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Кахрамон Қурбанов. — Бундан ташқари, тадбирларда 224 нафар мураббий, 180 нафар ҳакам ва 15 нафар спорт федерациялари мутахассислари қатнашдилар. Уларнинг янапи, маънавий-маданий хизматлардан фойдаланишлари

учун Наманган шаҳрида барча шароитлар яратилган.

Мусобака ташкилий қўмитаси аъзоларининг хабар беришларича, беллашувлар шаҳарнинг олти объектида бўлиб ўтади. Жумладан, Наманган Олимпия захиралари коллежида баскетбол учрашувлари ўтказилса, «Дўстлик» корти теннис ва

стол теннис бахсларига мезбонлик қилади. Наманган муҳандислик-педагогика институти спорт залида — волейбол, «Пахлавон» спорт мажмуасида — балий гимнастика, Олий спорт маҳорати мактабига дзюдо, эркин кураш, юппи-рум кураши, бокс ҳамда тэквондониинг WTF йўналиши бўйича финал бахслари ўтказилса, «Баркамол авлод» спорт мажмуасида енгил ва оғир атлетика, тапбоул, футбол, шахмат ва сузип спорт бсллашувлари бўлиб ўтади. Ўйинларнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларини янги кпёфага қирган «Навбахор» марказий стадионида ўтказиш режалаштирилган.

Эътиборлиси, мусобакалар мобайнида спортчилар учун вилоятнинг диккатта сазовор масканларига саёхатлар, таникли актёрлар, хонандалар ва адиблар билан учрашувлар уюштириш қўзда тутилган. Бундан ташқари, меҳмонлар «Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан тақдим этилган фильмлар ҳамда театрларда намоийиш этиладиган спектаклларни томоша қилиш, вилоятдаги замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан танишиш имконига ҳам эга бўладилар.

Бир ҳовуч дэр

«Гимнастика, жисмоний тарбия, пиёда юриш — соғлом бўлиш, доимий ишга лаёқатлилиқ ҳамда бекам кўст ва қувончли ҳаёт кечиришни хоҳлайдиган ҳар бир кишининг кун тартибидан ўрин олиши лозим».

Гиппократ.

Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, мамлакатимизда 15-22 май кунлари ўзгарувчан об-ҳаво бўлса-да, ёгингарчилиқ қутилмайди. Ҳарорат ўртача 30-35 даража иссиқ атрофида бўлади. Тоғли ҳудудларда сел келиши ҳавфи бор. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликида эсади. Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 17-22 даража, кундузлари +30...+35, ҳафтанинг дам олиш кунларида +37 даражагача кўтарилиши кутуляпти. Фарғона водийси вилоятларида кечаси 13-18, кундузи 15 майда +25...+30, ҳафта охирига бориб +28...+33 даражагача кўтарилади. Пойтахтимиз ва бошқа ҳудудларда термометр миллири тунда +15...+20, кундузи +30...+35 даража бўлишини кўрсатапти. Тоғли жойларда ҳарорат кечаси +9...+14, кундузлари эса +18...+23 даража атрофида бўлади.



РЕКЛАМА

ЗА3 FORZA Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте

тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)



www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.

РЕКЛАМА



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

миллий ва хорижий валюталардаги қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

«БАРАКАЛИ» — ҳисобланган фойзалар ҳар ойда тўланади.

«ИМТИЁЗЛИ» — ҳисобланган фойзалар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловлар (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловлари)га йўналтирилади.

«СОҒЛОМ АВЛОД» — омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:

«ШОДИЕНА» (АҚШ долларлари) — омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фойзалар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда) — омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга «Асака» банк (ОАЖ)

миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда 90 турдаги омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН	ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сергели филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

«ФАРОВОНЛИК»

ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ



«ФАРОВОНЛИК» — ОМАДИНГИЗ КАЛИТИ

2014 йил 20-21 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни синаб кўринг



БИЛЕТЛАРИ НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СЎТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

Қўшимча маълумот учун
8-371-273-03-04
WWW.AGROBANK.UZ

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИНИНГ НАРХИ - 5000 СЎМ
Лотерея билетларини банкнинг барча филиалларидан сотиб олишингиз мумкин. Пул ютуқлари филиалларда, маъши техникалар ҳудудий бошқармаларда, автомашина ва тракторлар марказий аппарат орқали билет тақдим этилгандан сўнг 1 ой давомида берилади

Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари

Қорақалпоғистон Республикаси
8-361-222-16-77
Андижон вилояти
8-374-228-46-20
Бухоро вилояти
8-365-223-85-53
Жиззах вилояти
8-372-226-25-33

Қашқадарё вилояти
8-375-771-15-60
Наманган вилояти
8-369-223-19-32
Навоий вилояти
8-436-770-35-49
Самарқанд вилояти
8-366-210-02-46

Сурхондарё вилояти
8-376-770-81-48
Сирдарё вилояти
8-367-221-01-50
Фарғона вилояти
8-373-244-08-41
Хоразм вилояти
8-362-770-57-00

Лотерея билетларини бағоятга етмаган шахсларга тарқатиш таъқиқланади

Хизматлар лицензияланган



ТАДБИРКОРЛАР ВА
ИШБИЛАМОНЛАР НАРАКАТИ —
O'ZBEKISTON LIBERAL-
DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИРИЯТ: Тенур АБДУРАҲМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАҲАБОВ, Мухаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шухрат ХҲҲАЕВ, Маркс ЮСУПОВ.

БҲЛИМАЛАР: Котибиат — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Аxbорот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-60 (тел./факс).

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. **ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** xxboroXXIasr@yahoo.com, xxi_asr@mail.ru
© XXI ASR-дан олинган маълумотларда мавза сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМКУ босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

БОШ МУХАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» иқтисодий-сўғей газетаси Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 9913 Тираж: 17109
Бухоро келишилган нархда.
Телпайири — 20-00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2313-477X



Навбатчилар:
О.РАҲАБОВ, С.ЗОИРОВ.